

Мухлиса Валиева

Тошкент молия институти

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ КАПИТАЛ БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада акциядорлик жамиятларининг капитал бозоридаги иштироки, қимматли қоғозлар чиқариш имкониятлари ва фонд бозорида акциялар савдоси таҳлиллари амалга оширилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларининг фонд бозори орқали инвестициялар жалб этиш ҳолати таҳлил этилган. Шунингдек, капитал бозоридаги акцияларни оммавий жойлаштириш жараёни таҳлил этилиб, улар бўйича таҳлиллар ўтказилган ҳамда ушбу йўналишда хорижий мамлакатлар тажрибаси атрофлича баён этилган.

Таянч сўзлар: *акциядорлик жамияти, фонд бозори, қимматли қоғозлар, акция, облигация, оммавий жойлаштириш, маркет мейкер, эмитент, марказий депозитория, клиринг.*

IMPROVING THE PARTICIPATION OF JOINT STOCK COMPANIES IN THE CAPITAL MARKET

Abstract. The article analyzes the participation of joint-stock companies in the capital market, the possibility of issuing securities and trading shares in the stock market. In particular, the state of attracting investments through the stock market of joint stock companies in the Republic of Uzbekistan is analyzed. Also, the process of mass placement of shares in the capital market was analyzed, analyzes were conducted on them, and the experience of foreign countries in this direction was described in detail.

Key words: *joint stock company, stock market, securities, share, bond, public offering, market maker, issuer, central depository, clearing.*

Кириш

Халқаро амалиётдан маълумки, капитал бозори компанияларнинг молиявий ресурсларни жалб этиши, қимматли қоғозлар чиқариши ва жойлаши, бозор капиталлашувини шаклланиши учун муҳим аҳамият касб этувчи тизим

ҳисобланади. Хусусан, халқаро биржалар федерациясини берган маълумотларига кўра, 2023 йил январ ойи ҳолатига йирик фонд биржаларидан бўлган NYSE 25,482 трлн. АҚШ доллари, NASDAQ 18,003 трлн. АҚШ доллари, EURONEXT 6,26 трлн. АҚШ доллари атрофида бозор капиталлашувига эришган¹. Ушбу жиҳатларни инобатга олганда, фонд бозорини капиталлашув даражаси миллий иқтисодиётни ривожланишда муҳим аҳамият касб этади ва акциядорлик жамиятларини бозор баҳосини ифодалаб беради.

Дунёда компанияларнинг бозор капиталлашуви даражаси бўйича Apple inc. \$2 535 млрд. АҚШ доллари, Microsoft. \$2 089 млрд. АҚШ доллари, Saudi Aramco. \$1 882 млрд. АҚШ доллари, Alphabet Inc. \$1 354 млрд. АҚШ доллари, Amazon Inc. \$1 006 млрд. АҚШ долларилик натижаларни кўрсатган² бўлиб, ушбу кўрсаткичлар бирқанча мамлакатларнинг йиллик ялпи ички маҳсулотларидан бир неча бараварга ортиқдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида капитал бозори яъни фонд бозорини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Республикада фонд бозорини ташкилотчиси бўлган “Тошкент” РФБсининг 2022 йилдаги фаолият натижаларини кузатар эканмиз, савдолар қиймати 4,816 трлн. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 3,8 баробарга, битимлар сони 80723 донга ёки 112,91 фоизга ўзгарган³. Шунингдек, капитал бозорини янада ривожлантириш, давлат акция пакетларини капитал бозори орқали хусусийлаштириш амалиётини кенгайтириш, аҳолининг қимматли қоғозларга инвестиция киритишини рағбатлантириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2022 йилдаги ПҚ-90-сон “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида «UzAuto Motors» АЖ, «UzAuto Motors Powertrain» АЖ, «O'zbekgeofizika» АЖ, «O'ztemiryo'lkonteyner» АЖ, «Dori-Darmon» АЖ, «Ўзбекистон почтаси» АЖ, «Universal Sug'urta» АЖ, «Alskom» АЖ⁴ларининг акциялар пакетини фонд биржаси орқали оммавий жойлаштириш белгилаб олинган.

¹ <https://statistics.world-exchanges.org>

² <https://ru.fxssi.com/top-10-samyx-dorogix-kompanij-mira>

³ https://uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/153/original/2022_yil_bo'yicha_birjaviy_tahlil.pdf?1676883324

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2022 йилдаги ПҚ-90-сон “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.01.2022 й., 07/22/90/0030-сон

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларининг капитал бозоридаги иштирокини такомиллаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни кенг жалб этиш, эркин муомиладаги акциялар хажмини ошириш, қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш жараёнларини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Капитал бозори ўзининг таркибий тузилиши, қўлами ва аҳамияти билан миллий иқтисодиётда ажралиб туради. Акциядорлик жамиятларининг капитал бозоридаги иштироки, қимматли қоғозлар чиқариш имкониятлари ва фонд бозорида акциялар савдоси таҳлиллари дунё иқтисодчи олимлари томонидан кенг миқёсида ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлар Gen-Fu Feng, Peng Niu, Jun-Zhuo Wang, Jian Liu⁵лар капитал бозорида яшил инновацияларни жорий этиш моҳиятини очиб беришган бўлса, Christian Wilson, Ben Caldecott⁶лар АҚШ қимматли қоғозлар бозорида облигацияларни савдо динамикасини ўзининг илмий тадқиқотларида кенг ёритиб беришган. Шунингдек, Valeriya Vitkova, Siyang Tian, Sudi Sudarsanam⁷, Amit Karna, Christos Mavrovitis (Mavis), Ansgar Richter⁸ капитал бозорида акциядорлик жамиятларини иштироки, акциялар савдосининг мазмун моҳияти ва муаммолар бўйича амалий таклифларни ўзларининг илмий тадқиотларида келтириб ўтганлар.

МДХ давлатларидан ушбу соҳа бўйича фаолият олиб борган иқтисодчи олимлардан молия бозорининг ривожланиш ҳолати бўйича В.В.Мандрон, А.В.Зверев, М.Ю.Мишина⁹, агросаноат тармоғидаги компанияларнинг капитал

⁵ Gen-Fu Feng, Peng Niu, Jun-Zhuo Wang, Jian Liu, Capital market liberalization and green innovation for sustainability: Evidence from China, *Economic Analysis and Policy*, Volume 75, 2022, Pages 610-623

⁶ Christian Wilson, Ben Caldecott, Investigating the role of passive funds in carbon-intensive capital markets: Evidence from U.S. bonds, *Ecological Economics*, Volume 209, 2023, 107792,

⁷ Valeriya Vitkova, Siyang Tian, Sudi Sudarsanam, Allocative efficiency of internal capital markets: Evidence from equity carve-outs by diversified firms, *International Review of Financial Analysis*, Volume 86, 2023,

⁸ Amit Karna, Christos Mavrovitis (Mavis), Ansgar Richter, Disentangling reciprocal relationships between R&D intensity, profitability and capital market performance: A panel VAR analysis, *Long Range Planning*, Volume 55, Issue 5, 2022,

⁹ Мандрон В.В., Зверев А.В., Мишина М.Ю. Финансовые рынки современной России: особенности регулирования и тенденции развития //Вестник Брянского государственного университета. – 2018. – №. 1 (35). – С. 226-234.

бозоридаги иштироки юзасидан Ю.А.Данилов¹⁰, капитал бозори ва биржа фаолияти бўйича А.А.Килячков, Л.А.Чалдаевлар¹¹, капитал бозорининг замонавий иқтисодиётдаги ҳолати бўйича Дворецкая А.Е.¹² ўз тадқиқотларида баён этишган.

Юртимиздаги иқтисодчи олимлардан Ш.Ш.Шоҳаъзамий¹³ молия бозорлари ва қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги мавжуд тенденциялар ва умумий муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширган бўлса, С.Э.Элмирзаев¹⁴ акциялар қиймати ва даромадлилигини қимматли қоғозлар бозорига, хусусан потенциал инвесторлар оқимига таъсирини, И.Л.Бутиков¹⁵ миллий капитал бозорини халқаро фонд бозорига интеграция қилиш масалаларини ўрганиб чиққан.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида капитал бозорида акциядорлик жамиятларини молиялаштириш жараёнидан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш ва таҳлил каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек молиявий менежмент тизимида мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари, бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда, ҳар томонлама иқтисодий манфаатлар тўқнашган замонда, миллий компанияларга инвесторларнинг бўш пул маблағларини йўналтириш, мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

¹⁰ Данилов Ю. А. Опыт реформ финансовых рынков в странах–конкурентах России на глобальном рынке капитала //Научные труды Фонда «Институт экономической политики им. ЕТ Гайдара». – 2016. – №. 171. – С. 1-164.

¹¹ Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Уч. П.-М: Экономистъ, 2005г. – 687 с.

¹² Дворецкая А. Е. Рынок капитала в системе финансирования экономического развития //М.: Анкил. – 2007. – Т. 288. – С. 2.

¹³ Шоҳаъзамий Ш.Ш. Системное развитие рынка ценных бумаг в регулятивной взаимосвязи с реальной экономикой/Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. – 448 с.;

¹⁴ Элмирзаев С.Э. ва бошқалар Молия бозори. Дарслик –Т.: Иқтисод-Молия, 2019-324 б.

¹⁵ Бутиков И.Л. Основные направления интеграции рынка ценных бумаг Узбекистана в зарубежные фондовые рынки //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2015. – №. 10. – С. 17-26.


қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг макони бўлган капитал бозори, хусусан фонд бозорининг фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида капитал бозоридаги иштирокчиларни ўзаро тартибга солиш ва улар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунига мувофиқ «қимматли қоғозларнинг уюшган савдосида қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш уларни ёзма равишда (қоғозда) расмийлаштириш заруратисиз электрон шаклда амалга оширилади. Шунингдек, қимматли қоғозларга доир бошқа битимлар ёзма шаклда тузилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим»¹⁶. Миллий иқтисодий ривожланиши ва тараққий топиши учун капитал бозори мустаҳкам ва барқарор бўлиши лозим ҳисобланиб, бунда бизнес субъектлар ўз лойиҳаларини амалга оширишлари учун янгидан янги молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади. Ушбу ҳолатда қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ошиб боради.

Ҳозирги кунда капитал бозори, хусусан, фонд бозорининг ташкилотчилари сифатида ваколатли давлат органлари, фонд биржалари, қимматли қоғозлар бозори бўлимини ташкил этган валюта биржалари, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиларини кўришимиз мумкин. Шунингдек, капитал бозори иштирокчилари: қимматли қоғозларнинг эмитентлари, йирик инвестицион фондлар, қимматли қоғозларнинг эгалари яъни инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, қимматли қоғозлар марказий депозитарийларидан иборатдир.

Халқаро амалиётдан маълумки, мамлакатда капитал бозорини қай даражада ривожланиши унинг таркибидаги эмитент қимматли қоғозларининг бозор баҳоси яъни капиталлашув билан олчанади. Дунё бўйича фонд биржаларининг бозор капиталлашуви қуйидаги расмд қайд этилган(1-расм).

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни 2015 йил 3 июнь, ЎРҚ-387-сон, «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 4 июндаги 111 (6294)-сони.




1-расм. Халқаро фонд бозори капиталлашуви¹⁷

1-расм маълумотлари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, глобал иқтисодиётда қимматли қоғозлар бозоридаги компаниялар капиталлашуви бўйича АҚШ етакчи ўрин эгаллаб, умумий ҳисобда 42 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич бўйича Япония 17,9 фоиз, Хитой 11,6 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, инвесторларнинг бўш пул маблағларини капитал бозори орқали компания ва давлат тузилмаларига инвестиция қилиш ушбу пул маблағларининг самарадорлигини оширади ва уч томонлама манфаатлар: давлат учун макроиқтисодий барқарорлик, компания учун микроиқтисодий самара ва инвестор учун пасив даромадларни ўсишига олиб келади. Шу сабабдан, капитал бозори – фонд бозорига инвесторларнинг бўш пул маблағларини йўналтиришнинг самарали усул ва моделларини ўрганиш тадқиқот ишимизнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозорини ўрганар эканмиз, унда «Капитал бозори» тушунчасига дуч келамиз. Инвестиция соҳасида изланувчи иқтисодчи

¹⁷ World Federation of Exchanges, SIFMA estimates: <https://www.sifma.org/wp-content/uploads/2022/01/US-Research-Quarterly-Equity-2022-01-26-SIFMA.pdf>


олимлардан В.Нирйарра капитал бозори тўғрисида фикр юритиб, «унда капитал, қарз ва қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш жараёнлари амалга оширилишини кўрсатиб ўтишган. Одатда, капитал бозорида узоқ муддатли қимматли қоғозлар мавжуд бўлади. Капитал бозорини уч қисмга: саноат қимматли қоғозлар бозори, давлат қимматли қоғозлар бозори, узоқ муддатли кредитлар бозорига ажратилган.»¹⁸ Бизнинг назаримизда, капитал бозорини ушбу усулда туркумланиши, унинг моҳиятини очиб беради. Хусусан, саноат қимматли қоғозлар бозорида одатда, компанияларнинг акциялари, корпоратив облигациялари савдоси бўлса, давлат қимматли қоғозлар бозорида ғазна мажбуриятига эга облигациялар, еврооблигациялар, депозит сертификатлари реализацияси ҳамда узоқ муддатли кредитлар бозорида қарз молиявий маблағларининг олди-сотдиси амалга оширилади.



1-расм. «Тошкент» Республика фонд биржасида амалга оширилган битимлар қиймати, млрд. сўм

Юқоридаги расм маълумотларидан аён бўлмоқдаки, 2018 йилда капитал бозорининг таркибий қисми бўлган «Тошкент» Республика фонд биржасида жами 687 млрд. сўмлик битимлар қайд этилган бўлса, 2022 йилга келиб ушбу кўрсаткич 4,816 трлн. сўмга ёки 7,33 баробарга ошган.

¹⁸ Hiriyyappa B. Investment management: Securities and Portfolio Management/ New Delhi / New age international (p) limited / 2008 / 235 pages.



2-расм. «Тошкент» Республика фонд биржасида амалга оширилган битимлар сони, дона¹⁹

Фонд бозоримизни битимлар сони бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда жами битимлар сони 13 750 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб жами 80723 дон қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш бўйича битимлар қайд этилган. Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, «Тошкент» Республика фонд биржасида 2021 йилда одинги йилга нисбатан қарийб 2 баробарга битимлар сони кўпайган.

1-жадвал

«Тошкент» Республика фонд биржасида савдо жараёни[16]

№	Савдо тизимининг бўлимлари	2022 йил			
		Эмитентлар сони	Битимлар сони	Қимматли қоғозлар сони	Битимлар ҳажми, млрд сўм.
I.	Акциялар бозори “Stock market”	110	80 652	36 154 735 185	4 705
1.	G1-“Main Board”	100	80 574	18 811 960 914	1 172
	Market meyking	1	1	100	0,000390
2.	T1-“Nego Board”	27			3,533
II.	REPO битимлар сони	0	0	0	0
III.	Облигациялар бозори “bond market”	7	71	24 997	110,4
1.	G1-“Main Board”	7	71	24 997	110,4
2.	T1-“Nego Board”	0	0	0	0
	Жами	114	80 723	36154760182	4816

¹⁹ https://uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/153/original/2022_yil_bo'yicha_birjaviy_tahlil.pdf?1676883324

Юқоридаги 1 жадвал маълумотларидан «Тошкент» Республика фонд биржасида савдо жараёнлари акс эттирилиб, асосий савдолар акциялар бозорига тўғри келишини қайд этишимиз мумкин. Хусусан, 2022 йилда акциялар бозорида 4,705 трлн. сўмлик савдолар амалга оширилган бўлиб, бу умумий капитал бозорини 97,69 фоизини ташкил этади. Шунингдек, айтиш жоизки, облигациялар бозори бўйича жами 7 донга эмитент борлиги ва улар бўйича савдолар пастлиги капитал бозори учун салбий ҳолат сифатида қарашимиз мумкиндир. Бундай ҳолатда, облигация эмитентлари сонини ва эмиссия миқдорини кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Капитал бозорини ривожлантириш миллий иқтисодиётга хорижий ва маҳаллий инвесторлардан бўш молиявий ресурсларни жалб этиш имкониятини оширади”²⁰. Шу сабабли, капитал бозорида акциядорлик жамиятларини иштирокини кенгайтириш ва такомиллаштириш муҳимдир.

Хулоса

Хулоса қилганда, миллий иқтисодиётни ривожланиши ва тараққий топиши учун молия бозори мустаҳкам ва барқарор бўлиши лозим ҳисобланиб, бунда бизнес субъектлар ўз лойиҳаларини амалга оширишлари учун янгидан янги молиявий ресурсларга эҳтиёж сезадилар. Ушбу ҳолатда капитал бозорининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ошиб боради. Молиявий даромад олишнинг энг мақбул йўлларида бири сифатида инвесторларнинг компанияларга капитал бозори орқали сармоя киритишларидир. Ушбу ҳолатда, уч томонлама манфаатлар ижобий ҳал этилади: инвестор учун дивиденд кўринишидаги фойда, компания учун зурур молиявий маблағлар қондирилиши, давлатга эса, умумий капитал бозорини ривожланиши асосий мақсад ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://statistics.world-exchanges.org>
2. <https://ru.fxssi.com/top-10-samyx-dorogix-kompanij-mira>
3. <https://uzse.uz/system/analytics>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2022 йилдаги ПҚ-90-сон “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини

²⁰ Karimov A. I. THE EXPERIENCE OF INVOLVING THE POPULATION'S FREE MONEY IN THE DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET //International Finance and Accounting. – 2020. – Т. 2020. – №. 6. – С. 18.

жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.01.2022 й., 07/22/90/0030-сон

5. Gen-Fu Feng, Peng Niu, Jun-Zhuo Wang, Jian Liu, Capital market liberalization and green innovation for sustainability: Evidence from China, Economic Analysis and Policy, Volume 75, 2022, Pages 610-623

6. Christian Wilson, Ben Caldecott, Investigating the role of passive funds in carbon-intensive capital markets: Evidence from U.S. bonds, Ecological Economics, Volume 209, 2023, 107792,

7. Valeriya Vitkova, Siyang Tian, Sudi Sudarsanam, Allocative efficiency of internal capital markets: Evidence from equity carve-outs by diversified firms, International Review of Financial Analysis, Volume 86, 2023,

8. Amit Karna, Christos Mavrovitis (Mavis), Ansgar Richter, Disentangling reciprocal relationships between R&D intensity, profitability and capital market performance: A panel VAR analysis, Long Range Planning, Volume 55, Issue 5, 2022,

9. Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Уч. П.-М: Экономистъ, 2005г. – 687 с.

10. Галанов В.А., Басов А.И. Рынок ценных бумаг: Учебник –М.: Финансы и статистика, 2004 г. – 448 с.

11. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Системное развитие рынка ценных бумаг в регулятивной взаимосвязи с реальной экономикой/Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. – 448 с.;

12. Элмирзаев С.Э. ва бошқалар Молия бозори. Дарслик –Т.: Иқтисод-Молия, 2019-324 б.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни 2015 йил 3 июнь, ЎРҚ-387-сон, «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 4 июндаги 111 (6294)-сони.

14. World Federation of Exchanges, SIFMA estimates: <https://www.sifma.org/wp-content/uploads/2022/01/US-Research-Quarterly-Equity-2022-01-26-SIFMA.pdf>

15. Hiriappa B. Investment management: Securities and Portfolio Management/ New Delhi / New age international (p) limited / 2008 / 235 pages.

16. <https://uzse.uz/system/analytics>

17. Karimov A. I. THE EXPERIENCE OF INVOLVING THE POPULATION'S FREE MONEY IN THE DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET //International Finance and Accounting. – 2020. – Т. 2020. – №. 6. – С. 18.